

6-1-2020

METHODS AND APPROACHES TO EVALUATING THE INSURANCE INDUSTRY EFFICIENCY

I. Abdurakhmonov
Tashkent Financial Institute

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

Recommended Citation

Abdurakhmonov, I. (2020) "METHODS AND APPROACHES TO EVALUATING THE INSURANCE INDUSTRY EFFICIENCY," *International Finance and Accounting*: Vol. 2020 : Iss. 3 , Article 7.
Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2020/iss3/7>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

И.ф.н. И.Х.Абдурахмонов
Тошкент молия институти

СУҒУРТА СОҲАСИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ УСУЛЛАРИ ВА ЁНДАШУВЛАРИ

Маколада суғурта соҳасининг ижтимоий-иқтисодий механизм сифатидаги моҳияти ва унинг самарадорлигини баҳолашнинг мавжуд ёндашувлари таҳлил қилинган. Ҳозирги кунгача самардорликни баҳолаш бўйича ягона ёндашувнинг мавжуд эмаслиги муаммонинг долзарблиги белгилайди. Суғуртанинг самарадорлигини аниқлаш нафақат алоҳида суғурта компанияси учун, балки суғурта соҳасининг мамлакат ва минтақа иқтисодиёти учун аҳамияти нуқтаи назаридан ҳам зарурдир.

Таянч сўз ва иборалар: суғурта, суғурта функциялари, суғурта самарадорлиги, суғурта соҳалари, суғуртанинг ижтимоий тамойиллари

МЕТОДЫ И ПОДХОДЫ К ОЦЕНКЕ ЭФФЕКТИВНОСТИ СТРАХОВОЙ ОТРАСЛИ

В статье проанализированы существующие подходы к определению сущности и оценки эффективности страхования как системы и как социально-экономического механизма. Проблема актуальна, так как пока не выработаны единые механизмы, регламентирующие такую оценку. Определять эффективность страхования необходимо не только для отдельной страховой компании, но и с позиции значимости страховой отрасли для экономики страны и конкретного региона.

Ключевые слова: страхования, функции страхования, эффективность страхования, отрасли страхования, социальные принципы страхования.

METHODS AND APPROACHES TO EVALUATING THE INSURANCE INDUSTRY EFFICIENCY

The article analyzes the existing approaches to determining the nature and evaluation of the effectiveness of insurance as a system and as a socio-economic mechanism. The problem is urgent, since unified governing mechanisms, such an assessment have not yet been developed. Determining the effectiveness of insurance is necessary not only for a separate insurance company, but also from the standpoint of the importance of the insurance industry for the economy of a country and a specific region.

Keywords: insurance, insurance functions, insurance efficiency, insurance industry, social insurance principles.

Кириш

Суғуртанинг алоҳида тизим сифатида ишлаш самарадорлигини баҳолаш муаммоси қўплаб қизиқишларни ўйғотади. Замонавий иқтисодий фанда суғурта соҳаси ва унинг алоҳида тармоқларининг самарадорлигини

баҳолашга турли хил қарашлар ва ёндашувлар шаклланган. Бугунги кунда суғуртанинг самарадорлиги ва уни баҳолашга бўлган ёндашувлар тўғрисида маҳаллий ва хорижий олимларнинг акс эттирадиган асосий тушунчалари ва ёндашувларини солиштирма таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Суғурта соҳаси самарадорлиги муаммоси ҳозирги кунда мамлакат иқтисодиёти учун муҳим масаладир. Суғурта соҳаси фуқаролар ва корхоналарни рисклардан ҳимоя қилишга, шунингдек жамғарма ва инвестиция фондларини яратишга қаратилган ўзининг ижтимоий-иқтисодий функцияларини тўлиқ бажармаяпти.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи

Суғурталаш жараёни билан боғлиқ ҳолда, баъзи муаллифлар самарадорликни суғурта компанияси ва суғурталанувчини суғурта шартномасини тузишдан ва аксинча тузмасдан олиниши мумкин бўлган иқтисодий наф сифатида тушунилади. Бундан ёндашув, бизнингча асосиз эмас. Бироқ, бу самарали суғурталашнинг фақат бир жиҳати холос.

Суғуртани баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари тўғрисида бошқа фикрлар ҳам мавжуд. Масалан, Т.В.Болшунова суғуртанинг ижтимоий самарадорлигини баҳолашда самарадорликнинг уч даражали баҳолаш тизимидан фойдаланишни таклиф қилади, жумладан:

- тармоқ сифатида суғуртанинг самарадорлиги (яимда суғуртанинг улуши, соҳада банд бўлган аҳоли сони ва ҳ.к);
- суғурта компаниясининг иқтисодиёт субъекти сифатидаги самарадорлиги (суғурта компаниясининг иқтисодий кўрсаткичларидан фойдаланилади);
- суғурта маҳсулотининг самарадорлиги (истеъмолчиларнинг ушбу хизматдан қониқиш даражасини тавсифловчи кўрсаткичлардан фойдаланилади) [1].

Ушбу назарий ёндашув эътиборга молик, сабаби у мантикий тузилганлиги билан ажралиб туради, самарадорликни баҳолашнинг сифат жиҳатларини ўз ичига оладиган интеграциялашган ёндашув сифатида қаралиши ҳам мумкин. Бироқ, унда суғурта фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш учун чуқур иқтисодий асос йўқ, шунингдек у асосан тавсифловчи характерга эгадир.

Иқтисодчи олим С.А.Шарапова суғурта фаолиятининг самарадорлиги баҳолашда уни маҳсулот сотиш йўналиши сифатида баҳолашни кўриб чиқади. Шунингдек маҳсулот сотиш тизимининг самарали ишлаши учун суғурта компанияси ва суғурталанувчи ўртасидаги алоқидан ташқари турли суғурта воситачилари, экспертлар ва андеррайтерларнинг фаол иштирокидагина самарали ташкил этилиши мумкинлигини таъкидлайди [2].

Самарадорликни баҳолаш муаммолари таҳлили давомида В.Г.Садиков ва Н.И.Федякова ишларни алоҳида таъкидлаб ўтиш мумкин, бунда суғуртанинг самарадорлиги ҳар томонлама ўрганилган. Муаллифларнинг таъкидлашича, суғурта тизимини унинг ижтимоий самарадорлик нуктаи назаридан келиб чиқиб бажарадиган функциялари асосида баҳолаш

кераклигини таъкидлайдилар [3]. Бунда муаллифлар суғуртани баҳолашда ижтимоий ва иқтисодий самарадорликни баҳолашни, шу жумладан давлат ва фуқаро нуқтаи назаридан баҳолаш усулларини таклиф этадилар.

Масалан, А.В.Рябченко суғурта компаниясининг самарадорлигини баҳолашда фақат иқтисодий мақсадлар нуқтаи назаридан ёндашишни тавсия этади. Сабаби суғурта компанияларини иқтисодий баҳолаш моделларни ҳам шундай асосда қурилган. Бундай ёндашув чуқур иқтисодий асосларни ўз ичига олади, аммо баъзи бир жиҳатлари эътибордан четда қолган, чунки бундай баҳолашда фақат корхонанинг (соҳанинг) иқтисодий салоҳияти ҳисобга олинади [4].

Суғурта назарияси ва амалиётида суғурта операцияларининг самарадорлигини баҳолаш усуллари (кўрсаткичлари) суғурта компаниялари томонидан аллақачон ўрганилган ва қўлланилиб келинмоқда. Бироқ, суғурта шартномаси икки томонлама битим бўлиб, унда камида икки томон – суғурта компанияси ва суғурталанувчи қатнашиши шарт ҳисобланади. Шунингдек, агар суғурта компаниялари нуқтаи назаридан суғуртанинг самарадорлиги тўлиқ ўрганилган, бироқ суғуртанинг жисмоний ва юридик шахслар учун самарадорликнинг услубий асослари тўлиқ ўрганилмаган, бу эса ушбу муаммони ўрганишнинг долзарблигини белгилайди [5].

Суғуртанинг иқтисодий категория сифатида унинг функциялари сонидан қатъий назар уларнинг асосий мақсади давалт, корхона ва ташкилотлар, шунингдек фуқароларнинг суғурта ҳимоясига бўлган эҳтиёжларини қондиришга қаратилган бўлиши керак [6].

Иқтисодий соҳанинг муҳим тармоғи бўлган суғурта давлатни ва корхоналарни молиялаштиришда, уларнинг активларига ва акцияларини сотиб олган ҳолда молиявий ўсишга ҳисса кўшмоқда. Кўпгина ҳолларда суғуртанинг инвестицион функцияси орқали жамланган пул фондлари миллий иқтисодиётни молиялаштириш йўлида ишлатилади. Шу нуқтаи назардан, йиғилган суғурта мукофотларидан фойдаланиш орқали иқтисодий ўсишга сезиларли таъсир кўрсатиши табиийдир [7].

Таҳлил ва натижалар

Юқорида суғурта тизими самарадорлиги муаммолари ва уни баҳолаш механизлари тўғрисидаги илмий ишларнинг кўпчилик муаллифлари ушбу тоифани микроиқтисодий самарадорлик нуқтаи назаридан кўриб чиққанлар. Яъни алоҳида суғурта компаниялари фаолиятини баҳолаш учун турли хил усуллар таклиф этилади ва қоида тариқасида, ушбу баҳолаш суғурта компаниясининг келгусида ривожланиш мақсадида иқтисодий салоҳиятини ўрганишга қаратилган.

Кўплаб замонавий тадқиқотлар суғурта компанияларининг баъзи жиҳатларини баҳолашга бағишланган муаммоларни қамраб олган (масалан сотиш сиёсатини ёки менежментини баҳолаш) ва қоидага кўра ушбу таҳлиллар микро иқтисодий ёндашувларни ҳам қамраб олади.











Шу билан бирга алоҳида илмий ишларда суғуртанинг ижтимоий самарадорлиги ёки унинг макро ва мезо даражада (яъни ҳудудий

иқтисодиётнинг таркибий қисми сифатида) баҳолаш масалалари кўриб чиқилади.

Баҳолаш усуллари ва кўрсаткичларини тузишда замонавий иқтисодий фанларда ривожланган суғурта самарадорлигини баҳолашнинг учта асосий йўналишини ажратиш кўрсатиш ва уларни янада чуқурроқ ўрганиш зарурдир (1-жадвал).

1-жадвал

Суғурта самарадорлигини баҳолаш усуллари ва воситалари¹

Микро даражада		Иқтисодий салоҳиятни баҳолаш		Баланслашган суғурта портфели; суғурта тарифи таркиби ва миқдори; суғурта хизматларининг сифати (шунингдек даъволарни кўриб чиқиш бўйича ҳам)
		Молиявий салоҳиятни баҳолаш		Ўз капиталининг миқдори ва динамикаси; суғурта резервларнинг таркиби; инвестициядан даромадлар ва унинг таркиби; суғурта суммалари ва мукофотларнинг зарарлилик даражаси; рентабеллик кўрсаткичлари, бизнес фаолияти ва молиявий аҳволи
Макро даражада		Ижтимоий-иқтисодий тизим сифатида		Суғурта функцияларини амалга ошириш: - Ҳимоя; -Жамғариш; -Инвестиция; -Огоҳлантириш;
		Иқтисодиёт соҳаси сифатида		Суғуртанинг қамровлиги ва зичлиги; инвестициялар ҳажми ва уларнинг диверсификацияси; ўртача рентабеллик
		Бозор механизми сифатида		Суғурта хизматларининг турлари ва уларнинг диверсификацияси; ҳудудий бозорнинг мувозанати; рақобат даражаси; суғурта объектларининг қамровлиги; инфратузилманинг ривожланганлиги; суғуртанинг нархи

Бизнинг фикримизча, суғурта самарадорлигини баҳолаш усулларини макро ва микро даража мезонларига мувофиқ амалга оширилиши керак. Бунинг сабаби, микро иқтисодий баҳолаш суғурта компаниясининг имкониятлари ва устуворликлари асосида, макро иқтисодий баҳолаш эса суғурта хизматининг жамият учун фойдалилиги нуқтаи назаридан белгаланadi. Шунга кўра баҳолаш усуллари ва мезонлари фарқ қилади. Суғуртанинг микро даражада самарадорлигини баҳолаш йўналишларини икки ажратиш мумкин:

- суғурта компаниясининг иқтисодий салоҳиятини баҳолаш;
- суғурта компаниясининг молиявий салоҳиятини баҳолаш.

Бунда асосий фарқ шундаки, иқтисодий салоҳиятни баҳолашда суғурта компаниясининг асосий фаолиятини тавсифловчи кўрсаткичлар ҳисобга олинади (суғурта портфели, тариф ставкаси, суғурта хизматларининг сифати ва бошқалар). Шу билан бирга, суғурта компаниясининг молиявий салоҳияти молиявий ресурслари (ўз маблағлари ва суғурта резервлар) ва улардан фойдаланиш самарадорлиги билан баҳоланади.

¹ [1,2,3,4,5] адабиётлар таҳлили асосида шакллантирилди.

Суғурта бозори фаолияти самарадорлигини баҳолашга тизимли ёндашув зарурлигини инобатга олган ҳолда, биринчи навбатда суғуртанинг ўзига хос функцияларини қай даражада бажаришини ҳисобга олиш керак. Суғурта бозори мутахассислари ва иқтисодчи олимлар иқтисодий ҳуқуқий муносабатлар тизими сифатида суғуртага хос бўлган турли функцияларни ажартиб кўрсатишади.

Суғурта соҳасидаги иқтисодчи олимлар ва тадқиқотчилар муаллифларнинг таъкидлашича иқтисодий категория сифатида суғурта функциялари бўйича яхдиллик мавжуд эмас. Аммо барча олимлар рискни суғуртанинг асосий функцияси сифатида қарашади. Иқтисодиётда суғуртанинг аҳамиятини баҳолаш учун унинг жамият учун муҳим бўлган барча функцияларини ўрганиш керак (2-жадвал).

2-жадвал

Суғуртанинг функциялари²

Муаллиф	Суғурта функцияларига бўлган қарашлар ва ёндашувлар					
О.Н. Ефимов, И.А. Волкова [8]	рискли	огоҳлантириш	жамғариш	инвестицион	назорат	
Н.П. Сахирова, В.В. Шахов, Ю.Т. Ахвледиани [9]	ҳимоя	огоҳлантириш	жамғариш		назорат	
Л.Г. Скамай [10] А.А. Гвозденко [11]	рискли	огоҳлантириш	ижтимоий	инвестицион	назорат	
В.А.Шербаков, Е.В.Костяева [12]	рискли	огоҳлантириш	жамғариш	инвестицион	назорат	
Ҳ.Р.Собиров [13]	рискли	огоҳлантириш	омонат	инвестицион	ахборот	
А.П.Балакина, И.И.Бабленкова [14]	рискли	огоҳлантириш	жамғариш	инвестицион	назорат	ижтимоий
Н.Н.Быкова [15]	зарарни коплаш	огоҳлантириш	ижтимоий	инвестицион		

Юқорида келтирилган иқтисодчи олимлар, тадқиқотчиларнинг суғурта функциялари бўйича ёндашув ва қарашларини умумлаштириш орқали суғуртанинг кенг тарқалган тўрта функцияси мавжуддир ва у кўплаб олимлар томонидан эътироф этилади, улар қўйидагилардир:

- рискли (ҳимоя);
- огоҳлантириш (олдини олиш);
- жамғариш;
- инвестицион.

Муаллифлар томонидан аниқланган ёки таклиф этилаётган қолган функциялар улар томонидан кўриб чиқиляётган ва ёндашилаётган масала доирасида шубҳасиз муҳимдир. Бироқ, улар суғурта тизимининг ташкилий таркибий қисмини англатади, лекин суғурта тизимининг иқтисодий механизми сифатида баҳоланиш нуқтаи назаридан аҳамиятли эмас (масалан,

² [8,9,10,11,12,13,14,15] адабиётлар таҳлили асосида муаллиф томонидан шакллантирилди.

назорат функцияси) ёки улар биз асосий деб белгилаган функцияларнинг бошқа кўриниши ёки улар таркибининг алоҳида қисми сифатида қаралади. Шундай қилиб, ижтимоий-иқтисодий тизим сифатида суғуртанинг самарадорлиги унинг жамият учун фойдалилигини ва ўз вазифаларини лозим даражада бажарилишини англатади.

Иқтисодиёт инфратузилмасининг бир элементи сифатида суғурта соҳасининг самарадорлигини баҳолаш ҳам муҳим ҳисобланади. Иқтисодиётнинг бир тармоғи сифатида суғурта самарадорлигини баҳолашда суғуртанинг мамлакат ялпи ички маҳсулотини яратишга қўшган ҳиссасини ҳисобга олиш зарур. Шу сабабли суғурта компанияларининг макроиқтисодий самарадорлигини акс эттирувчи қўйидаги кўрсаткичларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир:

- ялпи ички маҳсулотда суғуртанинг улуши, аҳоли жон бошига суғурта мукофотларининг ҳажми ва динамикаси;

- суғурта соҳаси инвестицияларининг ҳажми, уларнинг диверсификацияси ва рентабеллиги;

- соҳадаги ўртача рентабеллик ва бошқа шу каби кўрсаткичлар.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, суғуртани иқтисодиётнинг бир қисми сифатида баҳолаш суғурта соҳасининг ўсиши ва молиявий барқарорлиги нуқтаи назаридан жуда муҳимдир, сабаби бу бизга суғурта фаолиятининг қўлами, мамлакатда суғурта ҳимоясининг даражаси ва иқтисодиётнинг реал сектори учун суғуртанинг аҳамиятини баҳолашга имкон беради.

Суғурта субъектлари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг натижавийлиги ва сифати нуқтаи назаридан биз суғурта фаолиятининг самарадорлигини бозор механизми сифатида кўриб чиқишимиз мумкин, бундай ҳолда, унинг қўйидаги муҳим элементларини ҳисобга олиш керак бўлади:

- ихтиёрий ва мажбурий суғуртанинг ўзаро нисбати;

- ҳудудий суғурта бозорлари мувозанати (мукофотлар ва тўловлар бўйича, суғурта хизматлари турлари ва қабул қилинган суғурта объектлари бўйича, суғурталанувчилар тоифалари бўйича);

- суғурта бозори инфратузилмаси ривожланиш даражаси ва бошқа бозор институтлари билан ўзаро муносабатлари. Бунга суғурта воситачилари, баҳоловчилар, актуарийлар, суғурта бозорини ҳуқуқий ва ахборот билан таъминланиши, банклар ва нобанк молия институтлари билан ўзаро муносабатлари киради;

- суғурта бозорида рақобат даражаси, бу суғурта компанияларининг сони ва улар концентрацияси орқали баҳоланади (ҳудудий миқёсда ҳам).

Хулоса ва таклифлар

Шундай қилиб, суғурта соҳасининг самарадорлигини ва бозорнинг ривожланишини баҳолашда тўпланган тажрибани умумлаштирган ҳолда,

бизнинг фикримизча унинг самарадорлигини баҳолаш учун маълум аҳамиятга эга бўлган баъзи мезонларни ажратиб кўрсатиш муҳимдир.

Биринчидан, суғурта бозорининг миқдорий кўрсаткичлари, шунингдек асосий сегментлари бўйича, суғурта қамровлиги ва зичлиги, суғурта копламалари даражаси, ихтиёрий ва мажбурий суғуртанинг нисбати.

Иккинчидан, потенциал суғурта объектларини суғурта билан қамраб олиниши даражаси (аҳоли жон бошига, корхоналар сони ва бошқалар).

Учинчидан, суғурта компанияларининг инвестиция ва молиявий оқимларда иштироки, айниқса худудларда.

Тўртинчидан, огоҳлантириш чора-тадбирларини ўтказишдаги фаоллик (суғурта компаниялари томонидан огоҳлантириш тадбирларига ажратилган маблағлар, фаолият юритаётган корхоналарнинг активлари орқали баҳоланади).

Бешинчидан, суғурта бозоридаги рақобат даражаси, бу суғурта тариф ставкалари уларнинг таркибини оптималлаштириш ва суғурта хизматлари сифатини яхшилишга ёрдам беради.

Адабиётлар

1. Большунова Т.В. Критерии и показатели оценки социальной эффективности страхования // Вестник Тамбовского университета. Серия: гуманитарные науки. 2008. Вып. 10. С. 195–197.

2. Шарапова С.А. Оценка эффективности управления сбытовыми каналами страховой компании на рынке промышленного страхования // Вестник Московского городского педагогического университета. Серия: Экономика. 2014. № 1. С. 84–94.

3. Садков В.Г., Федякова Н.И. Системные основы развития страховых отношений и обоснование общественной эффективности системы страхования // Финансы и кредит. 2007. № 24. С. 43–52.

4. Рябченко А.В. Оценка эффективности страховых компаний. SFA-подход // Вестник Хабаровской государственной академии экономики и права. 2012. № 1. С. 97–106.

5. Афанасьев О.В. Развитие методических основ оценки эффективности страхования производственно-экологического риска // Электронный научный журнал «Нефтегазовое дело», 2007. <http://www.ogbus.ru>.

6. Барикаев Е.Н., Казиахмедов Г.М., Бойко М.В. Страхование как вид экономической деятельности в условиях современного предпринимательства. Вестник Московского университета МВД России. № 9 / 2015. – С. 243-247.

7. N.Apergis, T.Poufinasb. The role of insurance growth in economic growth: Fresh evidence from a panel of OECD countries. North American Journal of Economics and Finance 53 (2020) 101217.

8. Ефимов О.Н. Страхование дело. Уфа, 2014. 176 с.

9. Сахирова Н.П. Страхование. М.: ТК Велби, 2007. 744 с.

10. Скамай Л.Г. Страхование: теория и практика. М.: Юрайт, 2016. 383

с.

11. Гвозденко А.А. Страхование. М.: Проспект, 2008. 464 с.
12. Шербаков В.А., Костяева Е.В. Страхование: учебное пособие. – М.: Кнорус, 2007, - 312 с.
13. Собиров Х.Р. Суғурта: 100 савол ва жавоб. – Т.: “Меҳнат”, 1998. – 160 б.
14. Балакина А. П., Бабленкова И. И. Финансы: Учебник. – М.: Издательская торговая корпорация «Дашков и К°», 2013. - 384 с.
15. Быкова Н.Н. Сущность страхования и механизм реализации имущественного страхования на современном этапе // журнал Вестник НГИЭИ. 2016/ №2. С. 139-144.